

БЕШИК ТУЙИ АНЬАНАЛАРИ.

Камалова Дилфузада Абдуллаевна

ҚҚДУ докторанти

+99897-474-52-14.kamalovad87@gmail.com

Аннотация. Тезисда асрлар оша аёлларимизга бола парваришида мухим аҳамиятга эга бўлган бешик ҳақида маълумот берилган. Шунингдек бешик тўйларидағи ўзига хос анъаналар ва уларнинг трансформацияси ҳам тавсифлаб берилган.

Аннотация. В диссертации даны сведения о колыбели, которая имела важное значение в уходе за детьми наших женщин на протяжении веков. Также описаны уникальные традиции колыбельных свадеб и их трансформация.

Abstract. In the thesis, information about the cradle, which is important in child care for our women over the centuries, is given. It also describes the unique traditions of cradle weddings and their transformation.

Калим сўзлар. 9 патир, 9 қатлама, “ўнгма-ўнг”, “отин ойи”, “алла”.

Ключевые слова. 9 патиров, 9 складок, «право-право», «атин айи », «Алла».

Keywords. 9 patir, 9 folds, "right-right", "atin ayi", "Alla".

Бешик кўп асрлар аввал ҳунармандларнинг ақл заковати билан яратилган инсоният тарихининг буюк қашфиётларидан биридир. Унинг келиб чиқиши ҳақида эса турлича фаразлар бор. Кўчманчи халқларга тегишли бу қашфиёт кўчиб юрган пайтларида жуда қулайлиги билан мухим восита ҳисобланган. Бешик нафақат Ўрта Осиёда балки Эрон, Ироқ, Мўғилистон, Кавказ халқларида ҳам бор. Туркиядан келиб чиқган гагауз халқида ҳам бешик бор. [Убайдуллаева Б. Диссертация(DSc2) 2018. Б-102-117] Асрлар давомида ҳамма нарса ривожланди, фан ва технология барча нарсани ўзгартирди аммо бешик ўзгаришиз қолди. Тарихчилар

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

орасида бешик илмий жиҳатдан ўрганилмаган. Бу айниқса этнографлар учун жуда катта аҳамиятга эгадир.

Антрополог олим Самариддин Мустафоқуловнинг таъкидлашича қазилма сифатида бош чаноқларини ўрганиш асосида бешикнинг кашф этилишини VI-VII асрларга боғлайди. Ўзбек ва тожикларнинг бош суюги энса қисмининг яссисланиши, кузатилган ва бу илмий тилдаги броҳоканлашув бошланган . Олимнинг айтишича бешик бошнинг деформацияланишига сабаб бўлганлагини таъкидлайди. Самарқанд музейида эса IX- X асрларга тегишли шиша сумак сақланиб келинмоқда. Ёзма манбаларда эса илк бор Махмуд Қошғарийнинг “Девони луғати турк” асарида учрайди. [Усмон Қорабоев.2002. Б-120-121]

Асосан ўриқ, ёнғоқ, тут ёки тол дараҳтларидан ясалиб унга қурт тушмаслиги учун дараҳт намлиги бутунлай чиқганлигига катта эътибор берилади. Ҳеч қандай михларсиз ясаладиган бола ётиши учун жуда қулай воситадир. Ҳар бир миллатнинг бешиги бошқаси билан тузилиши, гуллари ва нақшлари билан фарқланади. Бешикнинг бола учун фойдали тамонлари ҳақида кўпчилигимиз маълумотга эгамиз албатта. Бешик она қорнидан кейинги дастлабки даврида бола учун жуда қулай ҳисобланади.

Бешик тўйи жуда қадим замонлардан халқимизнинг азалий маросимларидан бири ҳисобланади. Бу маросим халқ маданий ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб улгурган. Бешик тўйини кўпинча фарзанд тугилгандан кейин 7 , 9 ёки 11 кунлари ўтказишга ҳаракат қилинади. Бунинг сабабини сўраганимизда тоқ сонлар асосан ўзига жуфтликни чақириб турари дейишади. Шу боис ҳам суннат ёшлари ҳам тоқ ёшларида амалга оширилиши ирим қилинар экан.

Бешик тўйининг бошқа маросимлардан фарқи шундаки унда эркаклар иштирок этмайди. Фақат аёллар иштирокида ўтказилади. Бешик одатимизга кўра биринчи фарзандга келиннинг оиласи тамонидан олиб келинади. Бу қуни иккала қудалар ўзаро келишиб махсус тайёрланишган. Мехмонлар келиши билан барча тўйлардаги каби пешонасига ун суриш

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

билин кутиб олишади. Келиннинг оила аъзолари ун, ёғ, шариотига қараб қўчкор ёки хўроз жонлиқ сифатида олиб келинган. Булардан ташкари 9 та нон, 9 та қатлама ва турли ширинликлар олиб келадилар. Хозирги кунимизда бешикдан ташқари велосипед, беланчак, болалар шкафи, коляска, ўйинчоқлар каби нарсалар олиб келиниши кузатилади. Тўйга келган меҳмонлар учун ҳам атайлаб кичикроқ ўйинчоқлар олиб келиниб уларни бешик устига сочади ёки тарқатишади. Бу ҳам бешик тўйларидаги янгиланиш холати дейишимиз мумкин. Келиннинг оиласи тамонидан яна куёвнинг оиласи ва яқин қариндошларига яхшигина сарпо қилиниб унга жавобан қуда тараф ҳам сарполарни тайёрлайди. [Дала ёзуви] Қорақалпогистоннинг Тўрткул ва Элликқалъа туманларида эса бешик тўйига маҳсус “отин ойи”лар чақирилади. Улар “алла” айтишдан ташқари халқ достонларидан парчалар ўқиб, турли ҳикоя ва ривоятларни айтиб бериши кузатилади. Худудий фарқланувчи жиҳатлар ҳам мавжудлигига эътибор берадиган бўлсак, Амударё ва Хужайли туманларида эса “отин ойи” лар ташриф буюриши кузатилмайди. Бешикка болани ёши катта ва ибратли онахонлар солишади. Аввал болани янги тогорада чўмилтиришади. Тағорага танга пуллар солиниши ҳозирги кунда тилла солиниши билан алмасиб улгурган. Пешонасига эса қора куя суртилади. Бешик таги ва атрофларига исириқ тутатиб ёки гугуртда олов ёқиб уни гўёки инс- жинслардан тозалайди. Болани бешикка солар экан “Эгаси келди бабаси қоч” дейишади. Аввал бешикнинг ён тарафларига бошини қаратиб қўйиб “Ўнгма- ўнг” деб уч тўрт маротаба сўрайди. Хонадаги аёллар “йўқ ” дейишади. Ўнг булганда эса “Ҳа ” дейишади. Баъзи жойларда боланинг бош тарафида ёнғоқ чақилади. Бундан мақсад боланинг ташқи шовқинлардан қўрқмаслиги учун дастлабки қўникма деб таъкидлашади ахборотчиларимиз. Бешик устига ёқали қалин эркаклар кийимларини қўйишишган, улар асосан 7 ёки 9 баъзан қиз фарзанд бўлса 11 та қилишга ҳаракат қилишишган.[Дала ёзуви] Сабаби “қалин пули” кўп бўлсин деган маънода. Кейин онанинг оғзига бутун нон солинади. Бола тўқ бўлиши учун она тўқ бўлиши

керак деган маънода. Кейинчалик бу нон маросим қатнашчиларига тарқатиб юборилади. Ёши улуг аёллар бола парвариши тўғрисида онасига бир қанча маслаҳатлар беришади. “Алла” нинг нақадар муҳимлагини тушинтирадилар. “Алла” орқали она ва бола ўртасида бир бирига меҳр ришталари янада мустаҳкам боғланади. Ҳозирги ривожланган даврда ёш оналар телефон орқали бу вазифани бажаришадилар. Ўзбек аёлининг гўзаллигини кўрмоқчи бўлсанг, унинг бешик ёнидага ҳаракатларини кузат деган гап бор. Болани бешикка белашда авваллардаги каби 2-3 нафар аёл иштирок этгани маъқул. Сабаби бола “чилла”ли бўлади.

Ахборотчиларнинг маълумотича болани бешикнинг чап тарафидан солинмайди ва ажратилмайди. Бу амаллар фақат ўнг тарафдан бажарилар экан. Уни қўтарганда икки киши қўтариш мумкин эмас. Бешик тобут қўтарганга ўхшаб қолади деб бир киши қўтаришади. Бешик муқаддас хисоблангани учун оёқ ости қилинмайди, уни асраб авайлашга ҳаракат қилиниди. Бўш турган бешикни тебратиш мумкин эмас. [Дала ёзуви]

Қадимда бешик тўйи куни асосан жўхорили ёки жўхоридан тайёрланган таомлар пиширилган. Бунинг сабаби шундаки жўхори серпуштлик рамзи хисобланган. Ҳозирги кунимизда кўпинча палов (ош) ёки бошқа таомлар тайёрланади.

Тиббиётда бешикка нисбатан қарашлар доим ҳам бир хил эмас. Баъзи болаларга саломатлигига боғлиқ равища бешик тавсия этилмаслиги мумкин. Ўтказилган сўровномамиз натижаси шуни кўрсатадики кўпчилик бешикни афзал кўришини айтишган. Шунга қарамай ҳозирги кунда бешикдан фойдаланиш олдингига нисбатан анча камайган.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Б. Убайдуллаева. Ўзбекларнинг бола тарбиясига доир анъаналари ва инновациялари. Диссертация(DSc) 2018. Б-102-117
2. Усмон Қорабоев. Ўзбек халқи байрамлари. Т- 2002. Б-120-121
3. Дала ёзуви. Хонимжон Ражапова. Амударё тумани Олмазор МФЙ. 1957 йил туғилган.

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

4. Дала ёзуви. Холбоева Шукуржон. Амударё тумани Олмазор кўчаси 29 уй. 1940 йил тугилган
5. Дала ёзуви. Файзуллаева Гулсара. Беруний тумани Навоий ОФЙ. Ж. Неру кўчаси 197 уй. 1958 йил тугилган.